
“Аёли эъзозланган юрт” шиори остида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Қува туманидаги маҳаллаларда “Оналарга эҳтиром” фестивали доирасида маҳаллаларда иш олиб бораётган хотин-қизлар фаоллари, лидер ва тадбиркор аёллар, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари, отинийлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири тумандаги Толмозор ҳамда Янгиҳаёт маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида “Аёли эъзозланган юрт” шиори остида ўтказилди.

– Ушбу тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, уларнинг жамият ва оиладаги мавқени янада оширишга қаратилган, – дейди Янгиҳаёт маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Дилрабоҳон Ахунова. – Қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, аёлларга кўрсатилаётган эътибор, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун яратиб берилаётган имкониятларни кенг тарғиб этишдир.

Ўтказилган тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ва оиладаги мавқени янада ошириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, Президентимиз ташаббуси билан опа-сингилларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, берилаётган имтиёзлар ҳақида гапирди.

Айниқса, хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш, хусусан, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, тадбиркорликка жалб этиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбирда янграган куй-қўшиқлар йиғилганларга бирдек манзур бўлди.

Мазкур тадбирлар туманимизнинг ҳар бир маҳаллаларида кенг нишонланмоқда.

2023-05-08 12:37:51